*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
3 ноябрь
ШАНБА

№ 88
(12.516)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

## ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ – БОШ ВАЗИФА

**Вилоят фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва бошқармалар раҳбарлари, жамоат ташкилотлари, сиёсий партияларнинг вилоят ташкилотлари етакчилари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари, матбуот вакиллари иштирок этишди.**

Йиғилишни вилоят ҳокими Рустам Холматов бошқарди.

Фаоллар йиғилишида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 9 ойлик якунлари ва иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Маърузачи – вилоят ҳокими Рустам Холматов ва бошқа нотиқлар таъкидлашдики, республика ҳукуматининг шу йил 19 январда ўтган мажлисида Юртбошимиз белгилаб берган 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини изчил амалга ошириш чора-тадбирлари натижасида вилоятда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатлари таъминланди.

Ўтган 9 ойда ялпи ҳудудий маҳсулот 104,9 фоиз ўсди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 107,3 фоизни ташкил этди. Шу жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 115,8 фоиз ўсди. Қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулот 105,7 фоиз кўпайди. Чакана товар айланмаси 111,5 фоизни ташкил этди.

Шу муддатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида 39,9 мингта янги субъект ташкил этилди. Бу соҳага тижорат банклари 1,3 баробар кўп кредит ва микрокредитлар ажратди.

Барча турларда 3 триллион 305 миллиард сўмлик хизматлар кўрсатилди. Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ўсиш суръати 113,1 фоизни ташкил этди. Бугун вилоят аҳолисига 13 минг 510 та корхона хизмат кўрсатмоқда.

Ҳисобот даврида 68,4 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди. Уларнинг 70 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келди. Фақат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида 34,3 мингта янги иш ўрни барпо қилинди. "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури тадбирларини амалга ошириш мақсадларига барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 190,6 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Шу билан бирга кўрсатиб ўтилдики, Чирчиқ шаҳри, Қибрай ва Янгийўл туманларида маҳаллийлаштириладиган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш кўрсаткичлари бажарилмади. Қибрай, Бўстонлиқ, Ўрта Чирчиқ туманларида янги уй-жой мавзеларини барпо этиш жараёнида якка тартибдаги намунавий уй-жой ва инфратузилма объектларини қуриш қониқарсизлиги танқид қилинди. 2012 йил башорат кўрсаткичлари сўзсиз бажарилиши, вилоят иқтисодиётининг барча тармоқлари ва ҳудудлар барқарор ишлашини таъминлаш, бунинг учун мавжуд ишлаб чиқариш омилларини тўлиқ сафарбар этиш, ишлаб турган қувватлардан фойдаланиш даражасини ошириш, янги қувватларни белгиланган муддатларда ишга тушириш лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда иқтисодиёт тармоқларининг куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлиги, мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка ғамлашнинг бориши ва бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Зокиров иштирок этди.

ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ



## ЧАНГИНИНГ АСАЛИ АСЛ ДЕЙИШАДИ

**"Ниҳол-А" фермер хўжалиги мевачилик ва узумчиликка ихтисослашган. Шу билан бирга, 87 гектар ҳайдаладиган ери ҳам бор. Шундан 36 гектари лалми. Айнан шу кенгликда ғалла ҳам етиштирилади.**

Жумладан, бу йил эртапишар "Интенсив сурхак" буғдой нави лалмида 36 тонна, яъни гектарига 10 центнердан дон тўкди. 26 тоннаси шартнома шартига мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун топширилди. Қолгани 12 кишилик жамоага қўшимча даромад бўлди.

Ҳайдаладиган ернинг 20 гектарига маҳсар экиб, Тошкент ёғ-мой комбинати билан авваландан тузиб қўйилган шартномага мувофиқ 10 тонна ҳосил топширилди. 2008 йилда барпо этилган 8 гектар токзордан 50 тоннага яқин узум олинди. Қорагўзал, кишмиш ва тоифи нав бу узумларнинг винобоплари "Ишончли шароб" вино заводига шартнома асосида етказиб берилди. Ҳозир токлар бир четдан кесилиб, кўмилмоқда.

12 гектар ерни эгаллаган 30-40 йиллик эски боғ, табиийки, кейинги йилларда ҳосилдан қола бошлади. Мевасининг сифати ҳам кўнгилдагидек эмас, албатта. Шу боис, эски дарахтлар олиб ташланиб, янги, серҳосил нав мевали дарахт кўчатлари экиб борилаяпти. Ҳадемай бу майдонда ҳам бутунлай янгиланган ёш боғ пайдо бўлади.

Бундан ташқари, янгидан барпо этилган боғга асосан голден ва супер голден нав олма кўчатлари экилди. Тўрт гектар майдонда эса ҳосили йирик гилос навидан алоҳида боғ яратилди.

Хуллас, Абдумажид Абдуминов Паркентнинг тинибтинчимас, янгиликка ўч, изланувчан, интилувчан фермерларидан. Бу йил у яна бир янги соҳага қўл урди.

– Чанги қишлоғи аҳли асаларичилик ишқибозлари кўплиги билан ҳам ном қозонган, – дейди фермер. – Менга қолса, Тўрабоевларни асаларичилар сулоласи дея таърифлаган бўлардим. Озод ота Тўрабоев етмишдан ошган бўлишларига қарамай, ҳамон шу касбни қўлдан қўймаганлар. Асаларичилик у кишига – бобомерос. Мана энди отанинг ўғли Одил Тўраев ҳам қишлоғимизнинг олди асаларичиларидан. Биз уни ўз розилиги билан фермер хўжалигимизга аъзо қилиб олдик. Ҳозир унинг ихтиёридаги уялар 25 тага етди. Келгуси йилдан биз етиштираётган маҳсулотлар тури яна биттага кўпаяди.

Фермернинг гапида муболаға йўқ. Хўжалик 25 гектар майдонга эспарсет ўсимлигини эккан. Таърифлашларича, бу экин шиғил гуллаши устига унинг нектари асалариларнинг жону дили экан.

**СУРАТДА:** (чапдан) Озод ота Тўрабоев ва фермер Абдумажид Абдуминов.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

## САЙЛОВ ҲУҚУҚИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан мамлакатимизда сайлов ҳуқуқи эркинлиги ва бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш истиқболларига оид брифинг ташкил этилди. Унда депутатлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.**

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган устувор вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалар ижроси юзасидан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А. Саидов мамлакатимизда демократик сайлов тизимини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида самарали ҳуқуқий-амалий механизмлар яратилганини таъкидлади. Янги қонун лойиҳаси бу борадаги ишларнинг мантиқий давомидир.

Ушбу қонун лойиҳаси депутатлар, олимлар, мутахассислар ва кенг жамоатчилик, миллий ва хорижий экспертлар иштирокида қизғин муҳокама қилинмоқда. Бу тадбирларда уч юзга яқин амалий таклифлар билдирилди. Шунингдек, қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Марказий сайлов комиссиясининг веб-сайтларига жойлаштирилди. Ҳозиргача тўрт минг нафарга яқин юртдошларимиз мазкур лойиҳа билан танишиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Буларнинг барчаси қонун лойиҳасини такомиллаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Брифингда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш, сайлов қонунчилигини ривожлантириш, янги қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

**Б. ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.**

ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

## ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИ АСОСЛАРИ

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида хусусий секторни ҳар томонлама ривожлантиришга, кичик бизнес ва тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги ўрнини янада мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусий тадбиркорликни ташкил этиш, фаолиятини тартибга солиш ва ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг зарур меъёрий-ҳуқуқий тизимини яратиш ислоҳотлар босқичида энг долзарб вазифалардан бири сифатида юзага чиқди.**

Мустақиллик йилларида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш ва эркин фаолият юритишлари учун қулай шарт-шароит яратишнинг самарали тамойиллари яратилиб, йилдан-йилга такомиллаштириб борилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида туб ўзгаришлар қилиш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, меҳнатга яроқли аҳолини, айниқса, хотин-қиз ва ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, шу тариқа аҳолининг реал даромадларини ошириш, шартнома асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланувчиларга меҳнат дафтарчаларини очиш ҳамда ёшлари етганда нафақа олиш ҳуқуқини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар муҳим ижтимоий аҳамиятга эга.

Республикамизда асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи субъект ҳисобланган фермер хўжаликларини ривожлантиришда мустақиллик йилларида қабул қилинган Ер кодекси, "Фермер хўжалиги тўғрисида", "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида", "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида", "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ҳуқуқий ҳолати Фуқаролик кодексининг 39-72-моддаларида юридик шахсларнинг ҳуқуқий мақомига тааллуқли қоидаларга мувофиқ белгиланади. Бундан ташқари, корхоналарнинг ҳуқуқий ҳолатига оид нормалар "Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида", "Хўжалик жамиятлари ва ширкатлар тўғрисида", "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Фермер хўжалиги тўғрисида", "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари билан ҳам белгиланади.

(Давоми 2-бетда).

«ЯНГИ АВЛОД – 2012»

## ИСТЕЪДОДЛАР ПАРВОЗИ

**Олмалиқ шаҳрида "Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми" фонди ва "Камалак" болалар ташкилоти ҳамкорлигида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги кўмагида ташкил этилаётган анъанавий "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Истеъдодли ёшларни кашф қилиш, санъатнинг турли йўналишларида ўз қобилиятларини намоён этиш имконини берадиган ушбу анжуман танловнинг вилоятимиз шаҳар ва туманлари босқичида сараланган 946 нафар иштирокчилари учун катта шодиёнага айланди.**



Мумтоз ва миллий чолғулар, қўшиқ, рақс, тасвирий ва амалий санъат, адабиёт, шеърият йўналишлари бўйича ўз иқтидорини намойиш этишга келган болажонларнинг шўх-шодон чеҳралари, ярашиб турган байрамона либослари, бетакрор тасвирий, амалий санъат намуналари байрам қатнашчиларига завқ-шавқ бағишлади.

Намойиш этилаётган ҳар бир буюм, хоҳ у кийим-кечак, юмшоқ ўйинчоқ ёки товланиши кўзни оладиган мунчоқлар – бисердан тўқилган гуллар, дарахтлар, узум ишкомлари ёки мўъжизакор табиат тасвири, портрет, натюрморт бўлсин, барчасида иштиёқ, меҳр, қалб қўри сезилиб туради.

Олмалиқдаги "Баркамол авлод" болалар ижодиёт маркази ўқувчиси Муниса Исомиддинованинг "Мустаҳкам оила" мавзусида тўқиган ўйинчоқлари барчада илиқ таассурот уйғотди. Ёки 7 ёшли ангренлик қизалоқ Дилрўз Рўзиқулова тўқиган кийим-кечаклари-ю, унинг маҳоратига қойил қолганлар ҳам кўп. Пискентлик меҳнат ўқитувчиси Феруза Абдужабборова ўқувчилари билан тайёрлаган мунчоқли буюмлари ҳам нозиклиги, гўзаллиги билан киши диққатини тортади.

(Давоми 2-бетда).

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

БЕКОБОД ШАҲРИ

### ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

**"Бекободцемент" ОАЖда ишлаб чиқариш линияси модернизация қилинмоқда. Қуруқ усулда йилига 850 минг тонна цемент клинкери ишлаб чиқарадиган янги линия ишга туширилиш арафасида.**

Уни ишга тушириш шу йилнинг охирига белгиланган. Лойиҳанинг тўлиқ амалга оширилиши натижасида цемент ишлаб чиқариш яна 1 миллион тоннага ошади ва 100 га яқин янги иш ўрни ташкил этилади.

**Умида ФАЗЛИЕВА.**

ОҲАНГАРОН ТУМАНИ

### МАҲСУЛОТ СИФАТИ ОШАДИ

**"Оҳангаронцемент" очиқ акциядорлик жамиятида технологик линия янгиланмоқда.**

Бу, ўз навбатида, ускуналарнинг ишлаш муддатини узайтириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш имконини беради.

**Шаҳло МУҲИДДИНОВА.**

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ

### ЗАМОНАВИЙ ЛОЙИҲА

Эроннинг "EMG" хорижий корхонасида қуввати йилига 2,1 миллион квадрат метр бўлган керамик плиталар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Мазкур қувватларнинг ишга туширилиши 2013 йилнинг тўртинчи чорагига режалаштирилган.

**Юлдуз ХЎЖАЕВА.**

ҚОНУН ВА ИЖРО

## СУҒУРТАГА ОИД ҲУҚУҚИЙ БАЗА ТАКОМИЛЛАШДИ

**Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида суғурта субъектларига яратилган кафолатлар туфайли уларнинг иқтисодиётимизни ривожлантиришдаги роли ва ўрни кучайиб бормоқда. Республика Президенти таъкидлаганидек: "...иқтисодиётни янада эркинлаштириш жараёнини тегишли бозор инфратузилмаси, яъни банк-молия тизими, лизинг, аудиторлик, суғурта, инжиниринг ва бошқа тузилмаларни ривожлантирмай туриб амалга ошириш мумкин эмас".**

Бугунги кунда "Суғурта фаолияти тўғрисида", "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида", "Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида", "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг амал қилаётгани, мамлакатимиз суғурта бозорида фаолият юритувчи субъектлар учун ҳуқуқий база етарли даражада шакллантирилганидан далолат беради.

Айни пайтда, мамлакатимизда соҳага оид бир қатор қонуности ҳужжатлари ҳам қабул қилинган. Улар жумласига республика Президентининг "Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан тасдиқланган "2007-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш Дастури"ни, суғурта фаолиятини янада такомиллаштириш, суғурталовчиларнинг капиталлашуви ва молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг ҳудудий тармоқларини кенгайтириш ва суғурта компанияларининг инвестиция жараёнларидаги иштирокини рағбатлантириш, шунингдек, суғурта хизматларидан фойдаланувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид "Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорини, Вазирлар Маҳкамасининг "Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги, "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги қарорларини киритиш мумкин.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар натижасида юртимизда "Ўзбекинвест", "Кафолат", "Ўзагросуғурта" ва бошқа кўплаб суғурта компаниялари фаолият юритмоқда.

Суғурта бозорини янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуни Олий Мажлис Сенатининг 8-ялпи мажлисида маъқулланди.

(Давоми 3-бетда).

«ЯНГИ АВЛОД – 2012»



Маданият саройи барча фойеларини эгаллаган ажойиб кўргазмаларни баҳолаш ҳам мушкул бўлгани аниқ.

Бири-биридан гўзал, ажойиб куй-қўшиқ, шўхшодон рақслар эрталабдан то кечгача давом этди. Вилоятимизда истеъдод эгалари йилдан-йилга ортиб бораётгани, кашф этилаётган янги-янги номлар, албатта, уларга кўрсатилаётган эътибор, меҳр, ишонч ва умид белгиси.

– "Янги авлод"нинг энг фаол иштирокчилари бўлган

# ИСТЕЪДОДЛАР ПАРВОЗИ

Тошкент вилояти ёшларининг ёркин истеъдоди, қобилияти кўпларга ибрат бўла олади, – дейди танловнинг республика ҳакамлар ҳайъати раиси, Успенский номидаги мусиқа ва санъат академик лицейи директори Дилдора Жамолова. – Энг муҳими, беғубор қалбларда эзгулик ниҳоли унмоқда. Улар мустақил Ватанимиз келажаги, юртимиз эртаси.

Ҳақиқатан ҳам ҳар бир йўналиш бўйича танловнинг республика босқичига номзодлар танлаш осон кечмади. Иштирокчиларнинг деярли барчаси ғолибликка даъвогар. Аммо талабчан ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра барча йўналиш бўйича 39 нафар ғолиб аниқланди.

Улардан Аслиддин Сабриддинов, Сарвиноз Мўминова, Моҳимой Топилова адабиёт, шеърият йўналиши бўйича фестивалнинг республика босқичида иштирок этишади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

– "Янги авлод" танловида иштирок этганимдан жуда хурсандман, – дейди паркентлик шеърият ихлосманди Аслиддин Сабриддинов. – Фестиваль мен учун катта имкониятлар эшигини очиб берди.

Фестивалнинг энг шўх, ғайрат-шижоатли иштирокчилари – рақс дасталари ("Шумтакалар", "Родничок", "Ритм", "Эдельвейс" ва бошқалар)нинг чиқишлари айниқса, барчага завқ-шавқ бағишлади. Якка раққосаларнинг маҳоратига ҳам қойил қолмай илож йўқ.

– Мен фестивалда "Торим" рақси билан иштирок этдим, – дейди бекободлик қизалоқ, 3-синф ўқувчиси Асал Ёқубова. – Бу рақсни менга устозим Феруза Алишова ўргатганлар. Бундай катта саҳнада рақс тушганимдан жуда хурсандман. Менга берилган фахрий ёрлиқни ота-онамга, тенгдошларимга кўрсатаман.

– Катта саҳналарда рақс тушаётган, миллий рақсларимизни маҳорат билан ижро этаётган акаларимга ҳавас қилар эдим, – дейди "Шумтакалар" гуруҳи аъзоси Дониёр Мусаев. – Ғайратли, шижоатли, мард, жасур йигитларга хос ҳаракатлар менга завқ беради...

Дарҳақиқат вилоятимизда ёркин истеъдод эгалари, янги авлод вакиллари кўп. Бугунги танлов қатнашчиларининг маҳорати, ютуқлари вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, халқ таълими бошқармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигидаги саъй-ҳаракатлар, бетиним изланишлар самарасидир.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.**

## «La Nostra Gazzetta»:

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ҲАҚИДА

**Италияда чоп этиладиган "La Nostra Gazzetta" оммабоп газетасининг навбатдаги сонида "Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотлар ўз натижасини бермоқда" сарлавҳали мақола босилиб чиқди. Мақолада қайд этилишича, сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг иқтисодиётни ривожлантириш борасида қўлга киритган натижалари Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан юқори баҳоланмоқда.**

Нашр иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва бу соҳаларни диверсификация қилишга қаратилаётган улкан эътибор экспорт ҳажмига, унинг таркиби ва сифатига ижобий таъсир кўрсатганига алоҳида урғу берган. "2011 йилда экспорт маҳсулотларининг ҳажми 2010 йилга нисбатан қарийб 15,4 фоизга кўпайгани ҳолда 15 миллиард доллардан зиёд кўрсаткични ташкил этди. Бу 2000 йилга нисбатан 4,6 баробар зиёддир", деб ёзади газета.

Шунингдек, 2011 йилда банкларнинг капиталлашуви, уларнинг барқарорлиги ва ликвидлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган изчил ва аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилгани ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган. "Буларнинг натижасида охирги беш йил давомида мамлакат банк секторининг капиталининг етарлилик даражаси 8 фоиз этиб белгиланган халқаро меъёрдан уч баробар кўп бўлган даражани ташкил этмоқда", деб ёзади "La Nostra Gazzetta".

Мақолада "2011 йилда фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, уларни техникавий ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида фаол сармоявий сиёсат юритишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг катта қисмини тўғридан-тўғри ёткизилган сармоялар ташкил этади. Бу йўналишда тўғри сиёсат олиб борилиши натижасида ўтган йили ўнлаб замонавий корхоналар ишга туширилди. Жумладан, "General Motors Powertrain Uzbekistan" қўшма корхонасида юқори технологиялар асосида автомобиль двигателлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, автомобиль генератори ва компрессорларини ишлаб чиқариш бўйича қувватлар барпо этилди, энергияни тежайдиган лампалар ишлаб чиқариш бўйича учта лойиҳа амалга оширилди", дея таъкидланади.

Нашр Ўзбекистонда ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакат аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини мунтасил ошириб бориш масалалари доимий эътибор марказида турганини таъкидлаб ўтади.

Мамлакатимизнинг таълим соҳасини ривожлантириш борасида эришган муваффақиятлари ҳақида фикр юритар экан, "La Nostra Gazzetta" ўтган давр мобайнида умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида катта ишлар амалга оширилганига эътибор қаратади. "Жумладан, энг замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланган кўплаб янги ўқув масканлари қурилди ҳамда реконструкция қилинди. Мамлакатдаги деярли барча мактабларда замонавий ўқув компьютер синфлари мавжуддир", деб ёзади газета.

Юқоридагилар билан бирга, мақолада соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасида қўлга киритилган ютуқлар ҳам атрофлича қаламга олинган. Унда таъкидланганидек, "даволаш-профилактика муассасаларини реконструкция қилиш, уларни замонавий лаборатория, диагностика ва даволаш жиҳозлари билан таъминлаш учун катта миқдордаги бюджет маблағлари йўналтирилди ҳамда хорижий инвестиция кредит ва грантлар жалб қилинди".

Нашр Ўзбекистонда турли дастурларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши натижасида 1 миллионга яқин иш ўринлари яратилгани ва уларнинг 70 фоизга яқини қишлоқ жойларда ташкил этилганини ҳам кўп сонли ўқувчилари эътиборига ҳавола қилган.

Мақола интиҳосида "La Nostra Gazzetta" Ўзбекистонда 2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилингани ҳақида ҳикоя қилинар экан, шу муносабат билан жамиятнинг асосий бўғини бўлган оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, унинг маънан етук ва баркамол авлодни тарбиялашдаги ўрнини оширишга қаратилган Давлат дастури қабул қилингани ва у ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани алоҳида таъкидланади.

**"Жаҳон" АА.**
**Рим.**

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

# ИСТИҚБОЛ РЕЖАЛАРИ

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги кардиохирургия соҳасида эришилаётган ютуқлар ва истиқбол режалари мавзусида матбуот анжумани ўтказди.**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъул ходимлари, кардиохирургияга ихтисослашган муассасалар мутахассислари иштирок этган тадбирда кардиология йўналишида кўрсатилаётган хизматлар кўламини янада кенгайтириш, профилактика ва диагностика самарасини оширишга қаратилаётган эътибор, кардиохирурглар энг мураккаб жарроҳлик амалиётларини муваффақиятли ўтказишаётгани таъкидланди. Республика ихтисослаштирилган хирургия марказида замонавий кардиохирургия мажмуаси қуриб, фойдаланишга топширилди. Тўрт қаватли мазкур марказ кардиохирургия йўналишида фойдаланиладиган барча замонавий техника ва технологиялар билан таъминланган.

Шунингдек, вазирлик ташаббуси билан 1 ноябрдан 1 декабргача "Қандли диабетга қарши кураш ва ундан аҳолини муҳофаза қилиш ойлиги" эълон қилинганлиги муносабати билан ҳам матбуот анжумани ўтказилди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

**Ўзбекистон ва Чехия геологлари ҳамкорлигидаги "Фан тинчлик ва хавфсизлик учун" лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида 280 минг евро миқдорида маблағ ажратилди.**

# ГЕОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Мазкур лойиҳага Ўзбекистоннинг Чехиядаги элчихонаси ташаббуси билан НАТО грантлари жалб этилди. Лойиҳа сармоясининг 85 фоизи Ўзбекистон бюджетидан молиялаштирилади.

Ўзбек-чех мутахассислари ўртасидаги геология соҳасидаги ҳамкорлик ўтган асрнинг 80-йилларидан буён давом этиб келмоқда. Икки давлат геологлари дастлаб Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудларида муҳим тадқиқотлар олиб борган бўлса, кейинчалик атроф-муҳит муаммолари ҳамда ер ости сув ресурслари муҳофазасига бағишланган лойиҳаларни амалга оширишга яқиндан ёрдам беришган. Эндиликда улар иштирокида сунъий йўлдошлар ёрдамида тадқиқотлар амалга оширилади. Янги лойиҳага кўра, мутахассислар замонавий интерферометрик радар ускуналари воситасида ернинг вертикал ва горизонтал текислигидаги ўзгариш ва тўлқинларни, ҳатто миллиметрли ўлчамлардаги силжишларни ҳам аниқлаш имкониятига эга бўлади.

Лойиҳа Ғазалкент, Ангрен ва Чорвоқ шаҳарлари атрофидаги ҳудудларда ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Табиий офатлар фақат мамлакат иқтисодига зарар етказиб қолмасдан тоғли ҳудудлар аҳолиси ҳаёти учун ҳам жиддий хавф туғдиради. Шу сабабдан ҳам тоғли туманлар геологик ҳолатини тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Геология соҳасидаги ҳамкорлик чехиялик ҳамда ўзбекистонлик мутахассисларга ҳудудлардаги сейсмик ўзгаришлар ва тоғ кўчиш хавфини олдиндан аниқлаш имконини беради, шунингдек, икки давлат геологлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**"Туркистон-пресс".**

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

# СИМ ВА СИМЁҒОЧЛАР ЯНГИЛАНДИ



**Бу йилги куз ҳавоси мўътадил келиб, деҳқонлар экин-тикинлар ҳосилини қийналмай, эмин-эркин саранжомлаб олишаяпти. Ёғин-сочинсиз илиқ кунлар, айниқса, халқ хўжалиги объектлари ҳамда аҳоли тураржойларини куз-қиш мавсумига тайёрловчи ташкилотлар учун жуда қулай бўлди. Табиатнинг ўзи ҳеч қандай баҳонаю сабабларга ўрин қолдирмади.**

Табиий имкониятлардан вақтида ва оқилона фойдаланган кўплаб мутасадди ташкилотлар совуқ мавсумга тайёргарлик билан боғлиқ ишларни эрта муддатларда бажариб олдилар. Жумладан, Пискент туман электр таъминоти корхонаси ходимлари электр тармоқлари ва ускуналари, бино ва иншоотлар 2012-2013 йил куз-қиш мавсумида узлуксиз ишлаши юзасидан тузилган 26 банддан иборат чора-тадбирлар дастурини тўла бажаришга эришдилар.

Оқтепа қишлоғида 4,2 километр узунликдаги электр тармоғида 94 та симёғоч темир-бетонли янгилари билан алмаштирилиб, сим тортилди. "Бекобод" маҳалласидаги Алавия кўчасида яшовчи аҳолини электр қуввати билан узлуксиз таъминлаш мақсадида 250 кВли юксизлантириш трансформатори ўрнатилиб, ишга туширилди.

Республика Президентининг "Қишлоқ жойларда уй-жойлар қуришни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Келовчи қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Янгиобод қишлоғида қурилаётган янги уйларни ташқи электр қуввати билан таъминлаш учун 0,6 километр узунликда 10 кВли янги электр тармоғи тортилиб, 250 кВ қувватли янги трансформатор ўрнатилиб, фойдаланишга топширилди.

– Умуман, халқ хўжалиги объектлари ва аҳоли тураржойларини 2012-2013 йил куз-қиш мавсумига тайёрлаш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар дастури тўла бажарилди, – дейди туман электр таъминоти корхонаси бошлиғи Абдусалим Назиров. – Хусусан, 30 километрдан зиёд ҳаво линиялари, 18 та трансформатор пунктлари тубдан таъмирланди. Шунингдек, умумий узунлиги минг километрга яқин электр линиялари, 4 та нимстанция ва 232 та трансформатор пунктлари жорий таъмирдан чиқариб қўйилди.

СУРАТДА: (чапдан) чилангар Шуҳрат Фозилов, муҳандис Исоқжон Саидкаримов ва уста Дониёр Мирҳолиқов.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

# ЯНГИ МАРКАЗ ТАЪСИС ЭТИЛДИ

**Тошкент шаҳрида "Кредит-ахборот таҳлил маркази" ОАЖ таъсис этилди.**

**Ўзбекистон Республикаси марказий банки маълумотларига кўра, ушбу марказ илк тижорат кредит маркази бўлиб, 2012 йил 1 октябрида 1-рақамли лицензия билан рўйхатдан ўтди.**

Лицензия кредит бюроси фаолиятини қонуний амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Кредит-ахборот алмашинуви тўғрисида"ги қонунига мувофиқ Марказий банк томонидан тақдим этилди.

Мазкур кредит бюроси субъектларга кредитлар олиш учун керак бўладиган маълумотларни етказиб берадиган ва кредит олувчиларни ўз мажбуриятлари билан таништиради. Кредит бюроси кредит тўғрисида ахборот етказиб берувчилардан тўғри, ишончли ва янги ахборотлар етказиб беришни талаб қилади ҳамда кредит маълумотлари олувчиларга фақат кредит ахборотини етказиб берувчининг рухсати билан ахборот беради.

**"Туркистон-пресс".**

4 НОЯБРЬ – ЮНЕСКО ТАШКИЛ ТОПГАН КУН

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ЮНЕСКО ҲАМКОРЛИГИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

**Ўзбекистон кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти – ЮНЕСКО ўртасидаги муносабатлар алоҳида эътиборга лойиқ.**

Мазкур ташкилотнинг асосий мақсади жаҳон халқлари ўртасида таълим, фан ва маданият, ахборот соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат. Ташкилотга аъзо мамлакатларда ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссиялар тузилган.

Ўзбекистон ЮНЕСКОга 1993 йилда аъзо бўлган. 1996 йилда пойтахтимизда мазкур нуфузли ташкилотнинг ваколатхонаси иш бошлаган. Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб, ҳамкорликда кўплаб лойиҳалар амалга оширилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий ва маънавий қадриятларни тиклаш, ўрганиш ва тарғиб этиш, маданий ёдгорликларни, тарихий обидаларни, муқаддас қадамжоларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, таъмирлаш ва келгуси авлодларга етказиш ҳамда аждодлардан қолган маданий ва маънавий меросни чуқур эҳтиром ва меҳр-муҳаббат билан қадрлаш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги, Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, Бухоро, Хива ва Термиз шаҳарларининг 2500 йиллиги, "Алпомиш" халқ достони яратилганининг 1000 йиллиги, "Авесто"нинг 2700 йиллиги, Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллик, Самарқанднинг 2750, Марғилоннинг 2000 ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейлари нишонлангани ана шундай улуғвор ишлардандир. Ушбу тадбирлар ЮНЕСКО билан ҳамкорликда халқаро миқёсда кенг нишонланди.

ЮНЕСКО юртимизда ўтадиган кўплаб маданий тадбирларнинг меҳмони, ташкилотчиси ва иштирокчисидир. "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида ҳам ташкилот мунтазам қатнашиб келади.

ЮНЕСКОнинг Бирлашган мактаблар дастури тармоғи таълим соҳасидаги асосий дастур ҳисобланади. Дунёдаги олти мингдан зиёд мактаб Бирлашган мактаблар дастури аъзосидир. Ушбу дастурнинг асосий мақсади халқаро ҳамжиҳатлик, тинчлик, маданиятлараро мулоқот ва барқарор тараққиёт ғояларини тарғиб этиш ҳамда таълим сифатини оширишга қаратилган. ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси мамлакатимизда ушбу тармоқни ривожлантириш бўйича фаол иш олиб бормоқда. 1996 йилдан буён мазкур тармоққа юртимизнинг 45 таълим муассасаси аъзо бўлган. Мазкур таълим муассасалари бир қатор халқаро дастурларда муваффақиятли қатнашиб, "Таълим барча учун" мақсадларини ва БМТнинг барқарор тараққиёт таълими ўн йиллигини тарғиб этмоқда.

ЮНЕСКО томонидан 2003 йилда "Барқарорлик ва тараққиёт учун таълим 10 йиллиги" эълон қилинди. Бу борада мамлакатимизда ҳам кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Ушбу дастур доирасида аҳолининг тил ўрганиш имкониятларини кенгайтириш, маънавият ва маърифат йўналишлари бўйича таълимни ривожлантириш, фан-техника ютуқларидан янада кенг фойдаланишни таъминлаш каби вазифалар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

ЮНЕСКОнинг фан дастурлари доирасида биологик хилма-хилликни асраш ва табиий манбалардан оқилона фойдаланиш, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлаш, маданий қадриятларни ривожлантиришга бағишланган лойиҳалар амалга оширилди.

Маданий ва табиий меросни аниқлаш, муҳофаза қилиш ва сақлаш ЮНЕСКО фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси дурдоналари рўйхатига қадимий Самарқанд ва Шаҳрисабз, Бухоро шаҳрининг тарихий маркази, Хивадаги Ичанқалъа мажмуи киритилган бўлиб, ташкилот уларни дунёга тараннум этишда муҳим ўрин тутмоқда.

Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорлик қамрови кенгайиб бормоқда. Мамлакатимиз ушбу халқаро ташкилот билан фаол ҳамкорлик қилар экан, таълим, фан ва маданият соҳаларидаги алоқаларни ривожлантириш йўли билан жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаверади.

**Мадина УМАРОВА,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

ДАВРА СУҲБАТИ

**Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, прокуратура ва ички ишлар бошқармаси ҳамкорлигида Янгийўл тумани иқтисодиёт ва технология касб-ҳунар коллежида "Одам савдосига қарши курашнинг ҳуқуқий асослари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

# БУГУННИНГ ЭНГ ДОЛЗАРБ МУАММОСИ

Вилоят шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталарининг 2-17 ноябрь кунлари бўлиб ўтадиган навбатдаги ҳисобот-сайлов йиғилишлари олдидан уюштирилган тадбирга маҳалла фуқаролар йиғинлари маслаҳатчилари, "Маҳалла" жамоат фондининг шаҳар ва туман бўлимлари вакиллари жалб этилди.

Давра суҳбати қатнашчилари "Одам савдоси тўғрисида"ги Қонуннинг бугунги ижроси ва унинг ҳуқуқий асослари мавзуларида маърузалар тинглашди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар таъкидладиларки, фуқаролар, айниқса, хотин-қизлар ўзлари билиб-билмаган ҳолда, эътиборсизлик, лоқайдлик оқибатида уюшган жиноятчи гуруҳлар содир этаётган одам савдоси қурбонига айланиб қолаётир. Унинг олдини олиш мақсадида изчил чора-тадбирлар кўрилаётганига қарамай, бу ёвуз жиноятчилик ҳануз давом этмоқда.

Суҳбат давомида иштирокчилар одам савдосига қарши кураш чораларини янада кучайтириш учун қўшимча тарзда нималарга эътибор қаратиш зарурлиги хусусида фикр-мулоҳаза юритишиб, фойдали таклифлар киритдилар.

Давра суҳбатида вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

**Ўз мухбиримиз.**

ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

# ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИ АСОСЛАРИ

Юридик шахслар Фуқаролик кодексининг 40-моддасига мувофиқ тижорат ёки тижоратчи бўлмаган ташкилотларга бўлинади. Фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган ташкилот тижоратчи деб ҳисобланади. Барча қишлоқ хўжалиги корхоналари "Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида"ги Қонуннинг 1-моддасига, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, товар ишлаб чиқариш ва уларни сотиш натижасида фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилганлари учун тижоратчи ташкилотлар қаторига кирадилар.

Корхоналарнинг ҳуқуқий ҳолатини ўрганишда қуйидаги масалалар инобатга олиниши лозим: корхонани тузиш тартиби ва унинг давлат рўйхатидан ўтказилиши; корхонанинг муассасалари; корхонанинг мол-мулки; корхонанинг бошқарув идоралари; ишлаб чиқаришни ташкил қилиш; меҳнат муносабатларини тартибга солиш; корхонада даромадни тақсимлаш; корхона ва давлат орасидаги муносабатлар; корхонани тугатиш ёки қайта ташкил этиш.

Тажрибага асосан, фермер хўжалиги ихтиёрий равишда хўжалик бошлиғининг туман ҳокимига ва қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқарувига ёзма мурожаати асосида ташкил этилади. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат) бошқаруви фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги масалани умумий мажлисга олиб чиқади, умумий мажлис бу хусусида тегишли қарор қабул қилади. Фермер хўжаликлари рухсат олиш тартибида ташкил қилинадиган юридик шахслар жумласига киради. Бинобарин, туман ҳокими қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат) умумий мажлиснинг қарори асосида, ер участкалари бериш масалаларини кўриш бўйича туман комиссиясининг хулосасини инобатга олган ҳолда фермер хўжалиги ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ер участкасини ижарага олиш шартномаси белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан фермер хўжалиги ташкил этилган деб ҳисобланади. Фермер хўжалиги туман ҳокимлигида давлат рўйхатига олинганидан кейин юридик шахс мақомини олади, банк муассасасида ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб варақалар очишга, номи ёзилган муҳрга эга бўлишга ҳақлидир.

Фермер хўжалигини ташкил этиш шартлари қонунда аниқ мустаҳкамлаб қўйилган. Фермер хўжалиги танлов асосида, аксарият ҳолларда меҳнат ресурслари ортиқчалиги сезилмаётган ерларда ва ҳудудларда ташкил этилади. Чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиги камида 30 бош моли бўлган тақдирда ташкил этилади. Фермер хўжалигига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва молга қатор вилоятлар жумладан, Тошкент вилоятида суғориладиган ерларда камида 0,3 гектар, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда камида 0,45 гектар, суғорилмайдиган (лалми) ерларда эса камида 2 гектар бўлади. Деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик ва ғаллачилик учун камида 10 гектар, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинлар учун камида 1 гектар бўлиши керак.

Фермер хўжалиги ўз зиммасига қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади. Бу мажбурият ер участкасини ижарага олиш шартномасида белгилаб қўйилади.

Фермер хўжаликларида бошқарув органлари "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ ўзгача ҳолда ташкил этилади. Ушбу қонунда фермер хўжалигини асосан хўжалик раҳбари бошқариши белгиланган. Аммо ушбу қонуннинг 20-моддасида фермер хўжалигининг мол-мулки унинг аъзоларига умумий биргаликда мулк асосида тегишлилиги таъкидланган. Шундан келиб чиққан ҳолда фермер хўжалиги фаолияти билан боғлиқ йирик масалалар албатта биргаликда ҳал қилиниши лозим, чунки Фуқаролик кодексининг 225-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ биргаликдаги мол-мулк барча иштирокчиларнинг розилиги билан тасарруф этилади. Демак, фермер хўжалиги тўғрисидаги қонунда аъзоларнинг уни бошқаришда қатнашиши қатъий белгиланмаган бўлса ҳам улар бошқаришда қатнашиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, фермер хўжаликлари юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган, мулк ҳуқуқи ёки хўжалик юритиш ҳуқуқи ёхуд оператив бошқариш ҳуқуқига биноан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирадиган ва сотадиган, қишлоқ жойларда иш бажарадиган, хизмат кўрсатадиган мустақил хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Наргиза АШУРОВА,**
**Умида ШОРАҲМЕДОВА,**
**юридик фанлари номзодлари.**

ҚОНУН ВА ИЖРО

# СУҒУРТАГА ОИД ҲУҚУҚИЙ БАЗА ТАКОМИЛЛАШДИ

Бу Қонун республика Президентининг "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, 2012 йилнинг 6 мартида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида қабул қилиниб, Сенат томонидан 2012 йилнинг 23 мартида маъқулланди ва 2012 йилнинг 12 апрелида матбуотда эълон қилиниб, шу кундан кучга кирди.

Шундан сўнг "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонунга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, биринчидан, суғурта бозори профессионал иштирокчилари, яъни суғурта фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари доираси янада кенгайтирилди. Унга кўра, суғурта ҳамда қайта суғурта брокерларига қонун ҳужжатларида белгиланган ахборотни махсус ваколатли давлат органининг талабига кўра тақдим этиши, фирма номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли ва (ёки) жойлашган ери ўзгарган тақдирда, бу ҳақда махсус ваколатли давлат органини ва суғурталовчиларни хабардор қилиши ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши, молиявий, статистика, солиқ ва бошқа ҳисоботларни тузиши шартлигига оид мажбуриятлар юклатилди.

*Иккинчидан,* Ўзбекистон Республикасининг "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонуни $9^4$ ва $9^5$-моддаларига ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, улардан бири мазкур моддаларнинг номлари билан боғлиқ. Маълумки, Қонун қабул қилингунга қадар $9^4$-модда "Актуарий" деб номланган эди. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатига аниқлик киритиш мақсадида "актуарий" ва "актуар ташкилот" тушунчаларини бир-биридан фарқлаш учун $9^4$-модданинг номи "Актуар ташкилот ва актуарий" тарзида баён этилди.

*Учинчидан*, махсус ваколатли давлат органи функциялари, хусусан суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари қонун ҳужжатларига риоя этишини назорат қилиш вазифасининг бажарилишини таъминлаш мақсадида Қонуннинг 11-моддаси "Қайта суғурта брокерлари, аджастерлар, актуар ташкилотлар, суғурта сюрвейерлари, ассистанслар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин бир ҳафталик муддатда бу ҳақда махсус ваколатли давлат органини ёзма равишда хабардор қилади" деган мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилди. Эътиборли жиҳати шундаки, бу каби қоидалар Россия Федерацияси, Украина, Литва ва Қозоғистон Республикасининг суғурта фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларида ҳам учрайди.

*Тўртинчидан,* чет эл суғурта ташкилотларининг фаолиятини назорат қилиш махсус ваколатли давлат органининг ваколат доирасига кирмаслигини инобатга олиб, республика фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида Қонуннинг 27-моддаси иккинчи қисми "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл суғурта ташкилотлари томонидан суғурта амалга оширилишига йўл қўйилмайди", деган таҳрирда баён этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"-ги Қонуни орқали "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 3, $9^6$, 10, 13, 22, 24, 25 ва 26-моддаларига ҳам суғурта бозори профессионал иштирокчилари фаолиятини ҳамда суғурта бозорини янада ривожлантиришга қаратилган бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, Қонуннинг кучга кириши суғурта фаолияти соҳасидаги муносабатлар, жумладан, суғурта ҳамда суғурта фаолиятини, суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари ҳуқуқ ва мажбуриятларини, суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишда махсус ваколатли давлат органининг ваколат доирасини, суғурта бозори профессионал иштирокчиларини тузиш ва давлат рўйхатидан ўтказишни, суғурталовчи ва суғурта брокерларининг фирмага қўядиган талабларини, суғурталовчилар тўлов қобилиятининг кафолатларини, монополистик фаолиятга йўл қўйилмаслигини, ахборот олиш ҳуқуқини, суғурта сири ва чет эл суғурта ташкилотларининг фаолиятини янада кенгроқ такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Зафар РЎЗИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ЁШЛАР КАМОЛОТИ – КЕЛАЖАК КЎЗГУСИ

**Таълим тизимини ислоҳ қилишда аввало моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва малакали педагоглар билан таъминлашга алоҳида эътибор берилаётгани боис бугун жаҳон андозалари асосида қад ростлаётган ўқув муассасалари кўзни қувонтиради.**





Пискент туманидаги ихтисослаштирилган 79-махсус мактаб-интернат шундай зиё масканларидан бири. Бу ерда 180 дан зиёд ўғил-қиз таълим-тарбия олмоқда. Уларга 34 ўқитувчи ва 30 тарбиячи меҳр кўрсатиб, ўз билим ва кўникмаларини сидқидилдан ўргатяпти. Бундан ташқари, ўнга яқин дефектолог ва яна шунча қайта тайёрлов курсларидан ўтган педагоглар ҳам тарбияланувчилардан ёрдамларини аямайдилар.

Мактаб-интернатда 25 та ўқув хонаси бўлиб, улар замон талаблари асосида таъмирланган. Хоналар кенг, ёруғ ва шинам. Барча зарур ашёлар ҳам етарли. Жиҳозлар эса хона дизайнига мос тарзда жойлаштирилган. Дурадгорлик дарслари учун мўлжалланган хоналарнинг зарур асбоб-ускуналар билан таъминлангани ўқувиларга назарий билимларини амалиётда қўллаш имконини бермоқда. Логопедия ва бошқа йўналишдаги фанлар учун ихтисослаштирилган хоналарда ҳам шарт-шароитлар муҳайё. Ўқувчиларнинг чуқур билим олишлари учун интернат ўқув дарсликлари билан тўла таъминланган.

Дарвоқе, мактаб-интернатнинг ахборот-ресурс маркази йил сайин бойиб бормоқда. Юзлаб китоб фондига эга марказда бадиий китоблар, ўқув қўлланмалари, ҳатто, турли ижтимоий-сиёсий йўналишдаги рўзномалар ҳам бор.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати, "Истиқлол" каби қатор корхона ва "Гулчеҳра Пўлатова" фермер хўжалиги ҳомийлик ёрдами кўрсатмоқда. Бу йил интернатнинг ўқув, ошхона, хўжалик бинолари ва ётоқхонаси таъмирланиб, пардоздан чиқарилди.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

# МАХСУС АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИ

**Қибрай шаҳарчасида ахборот-ресурс маркази ташкил этилди. Бу ерда 2,5 мингдан зиёд Луи Брайль алифбосидаги адабиётлар, электрон диск, магнит ленталар ҳамда 2000 дан зиёд лотин ва Кирилл ёзувидаги китоблар мавжуд. Ҳозир унинг хизматидан 1700 китобхон фойдаланаётир.**



Зангиота, Бекобод, Бўстонлиқ ва Чиноз туманларида марказнинг кўчма филиаллари ташкил этилди. Шунингдек, 25 номдаги вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинган. Кўзи ожизлар учун махсус нашр – "Бир сафда" журналига доимий обуна ташкил этилади.

– Уйга китоб элтиб бериш ҳам йўлга қўйилган, – дейди вилоят "Кўзи ожизлар махсус ахборот-ресурс маркази" раҳбари Дилобар Раимжонова. – Келгусида марказда компьютерларни кўпайтириб, интернет орқали китоб айрибошлаш, Луи Брайль алифбосидаги китоблар кичик нашриётини ташкил этишни мақсад қилганмиз.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

ТАДБИР

# МЕҲНАТДАН ҚАДР ТОПГАНЛАР

**25 октябрь – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан вилоят ички ишлар бошқармасида байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда ИИБ шахсий таркиби ҳамда узоқ йиллар шу соҳада самарали меҳнат қилган фахрийлар иштирок этишди.**



Ички ишлар вазирининг буйруғига асосан бир гуруҳ ходимлар шахсий таркибни Ватанга муҳаббат ва бурчга садоқат руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси учун "Фахрий ёрлиқ" ва "Аъло хизматлари учун" кўкрак нишони билан тақдирландилар. Яна бир гуруҳ ходимларга эсдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, соҳада узоқ йиллар меҳнат қилган ходимлар ҳурмат-эҳтиром билан нафақага кузатилди.

**Хуршид РЎЗИЕВ.**

# АКЦИЯДА ИШТИРОК ЭТИНГ!

Республика "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмаси, "Меҳр нури" фонди ҳамда ижтимоий фикрларни қўллаб-қувватлаш фонди ташаббуси билан республикамизда "1000 та суннат ва никоҳ тўйлари" акцияси ўтмоқда.

Акцияга мувофиқ вилоятимизда шу йилнинг 17-18 ноябрь кунлари 70 жуфт ёшларнинг никоҳ ва 70 нафар ўғил болаларнинг суннат тўйларини ўтказиш режалаштирилган. Шу муносабат билан вилоятимизнинг барча саховатпеша кишиларини, корхона ва ташкилотларни шу акцияда иштирок этишларини сўраймиз. Биз билан ҳамкорлик қилинг, савобдан четда қолманг!

**Вилоят ташкилий қўмитаси.**

**Мурожаат учун телефонлар:**
**(+99871) 236-14-52, 233-68-42, 236-75-86.**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚУЙИДАГИ НОТАРИУС ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!**

| | |
|---|---|
| **Ангрен шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасига** | **1 нафар** |
| **Олмалиқ шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасига** | **1 нафар** |
| **Олмалиқ шаҳар 5-сон давлат нотариал идорасига** | **1 нафар** |
| **Бўка туман 1-сон давлат нотариал идорасига** | **1 нафар** |
| **Ўрта Чирчиқ туман 1-сон давлат нотариал идорасига** | **1 нафар** |
| **Янгийўл туман 1-сон давлат нотариал идорасига** | **1 нафар** |
| **Чиноз туман 2-сон давлат нотариал идорасига** | **1 нафар** |
| **Оҳангарон туман 2-сон давлат нотариал идорасига** | **1 нафар** |
| **Қибрай туман 1-сон давлат нотариал идорасига** | **1 нафар** |
| **Чирчиқ шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасига** | **1 нафар** |

**ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ:**

*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;*
*5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);*
*6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар 2012 йил 22 ноябрь кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига мурожаат этишлари лозим.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй. Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.**

**«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: Бекобод шаҳар СИБ томонидан 1. 01.08.2011 й. № 7916-сонли ижро ҳужжатига асосан 1982 й. и/ч. Москвич, д/р 10 F 897 DA. Бошланғич баҳоси – 694 154 сўм. 2. 14.07.2011 й. № 7662-сонли ижро ҳужжатига асосан 1992 й. и/ч. Ваз-2109, д/р 10 D 8231. Бошланғич баҳоси – 3 432 060 сўм. 3. 27.08.2012 й. № 8561-сонли ижро ҳужжатига асосан 1997 й. и/ч. Opel Omega, д/р 14 997 600. Бошланғич баҳоси – 14 997 600 сўм. 4. 16.08.2012 й. № 8520-сонли ижро ҳужжатига асосан 1986 й. и/ч. Уаз-96201, д/р 12 D 3994. Бошланғич баҳоси – 1 272 941 сўм. Автотранспорт воситалари "Бекободсавдо" МЧЖда сақланмоқда. Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан 5. 2000 й. и/ч. Нексия Сонс, д/р 11 АК 579. Бошланғич баҳоси – 14 044 500 сўм. Миробод тумани СИБ томонидан 6. 27.07.2011 й. № 13111/21-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. и/ч. Ласетти, д/р 01 В 797 DA. Бошланғич баҳоси – 32 000 000 сўм. "Нумизматика" МЧЖда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 19 ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога Бектемир тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 7. 10.02.2011 й. № 1-79-сонли ижро ҳужжатига асосан 1974 й. и/ч. Ваз-2101, д/р 01 G 971 АА. Бошланғич баҳоси – 1 152 584 сўм. 8. 24.08.2012 й. № 1-555-сонли ижро ҳужжатига асосан 1988 й. и/ч. Ваз-21063, д/р 01 Z 360 DA. Бошланғич баҳоси – 4 697 424 сўм. 9. 24.07.2012 й. № 1-377-сонли ижро ҳужжатига асосан 1992 й. и/ч. Ваз-21093, д/р 01 R 809 FA. Бошланғич баҳоси – 7 400 000 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 4 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2012 йил 4 декабрь куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 19 декабрь куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104887305002, МФО 00425, ИНН 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Тел.: 266-80-76.

Гувоҳнома № 004593.

**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Бекобод шаҳар СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда: 1. 14.11.2011 й № 361-сонли ижро варақасига асосан Бекобод шаҳри, 3-даҳа, 1-уй, 1-қаватида жойлашган 79-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 62 283 573 сўм. 2. 14.11.2011 й № 13129-сонли ижро варақасига асосан Бекобод шаҳри, Аббосова кўчасида жойлашган "Цемент омборхонаси ва унинг ёнидаги қурилиши тугалланмаган савдо дўкони". Бошланғич баҳоси – 109 011 836 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 19 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ Тошкент шаҳар, "Ипотека банк" АТИБ Шайхонтоҳур филиалига қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО 00425, СТИР 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: (8-371) 266-80-76.

Лицензия: RR-0052.

**Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг**

"Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2012 йил 1 ноябрдаги

**51-Баённомасининг қарори билан қуйидаги:**

**Олмалиқ шаҳридаги «PIRAMIDA TRANS SERVIS» МЧЖга тегишли:**

– "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳарда енгил автомобилларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун 2011 йил 13 июнь куни берилган "АТ" серияли 000409-рақамли лицензиянинг амал қилиши 2012 йил 1 ноябрдан бошлаб тикланганлиги тўғрисида маълумот беради.

**Олмалиқ шаҳридаги «CROSSOVER» МЧЖга тегишли:**

– "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳарда енгил автомобилларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун 2012 йил 14 май куни берилган "АТ" серияли 000522-рақамли лицензиянинг амал қилиши 2012 йил 1 ноябрдан бошлаб тикланганлиги тўғрисида маълумот беради.

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Юқори Чирчиқ туман СИБ томонидан, Тошкент вилоят хўжалик судининг 2011 йил 16 майдаги 11-1132/6547-сонли ижро варақасига асосан, Юқори Чирчиқ тумани, Янгибозор қўрғони манзилида жойлашган "Пиллакор" МЧЖга тегишли, умумий майдони 942,2 кв.м. бўлган Литер-Гдаги бостирма такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 33 417 360 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 22 ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 20 ноябрь куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "КМСХ" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО 01036, ИНН 207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz.

Лицензия: RR-0001.

Утерянные свидетельства серии O`Y № 256117 и серия ТА № 0114993, выданные Службой землеустройства и кадастра недвижимости на имя ООО "UMIDA TRUST INVEST", **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.**

СП ЗАО "SOYUZPROM", зарегистрированное Министерством юстиции г. Ташкента за № 3370 от 19.04.2004г. (ИНН 204092947, ОКПО 18557393) в соответствии с протоколом собрания учредителей № 1 от 25.10.2012г., **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: 100000, г. Ташкент, Юнусабадский район, пр. Амира Темура, д. 60, тел.: 235-68-91.

Миробод тумани ТСРЎИ томонидан 2010 йил 12 майда 004595-03 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "ART FORDE STYLE" (СТИР 301088371) масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларининг баённомасига асосан тугатилаётганини маълум қилади.

Эътирозлар 2 ой давомида қабул қилинади.

Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган (СТИР 202505598) "AKSIN" МЧЖ асосидаги ишлаб чиқариш фирмаси ўз-ўзини тугатишини маълум қилади. Эълон чоп этилган санадан эътиборан икки ой давомида 280-59-72 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

ЧП "KEEN OIL BUSINESS", зарегистрированное в Чиланзарском районе г. Ташкента (ИНН 206149548) объявляет об уменьшении уставного фонда с 915 000 000 сум до 70 000 000 сум.

Претензии принимаются по тел.: 235-83-92.

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани ҳокимияти томонидан 2004 йил 14 майда "AZIZA-ZIYO" МЧЖга берилган № 000434-10 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чиноз тумани ХТМФМТ ва ТЭБга қарашли 42-умумтаълим мактаби томонидан 2004-2005 ўқув йилида Рахманов Руслан Сабиржанович номига берилган 0209021 рақамли 11-синфни битирганлиги тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент Давлат техника университети томонидан 1999 йилда Худжаев Завқиддин Норхамидович номига берилган В № 014466 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

